

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЛАТВИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Латвия Республикаси Президенти Андрис Берзиньшнинг таклифига биноан 2013 йил 16-17 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Латвияда бўлади.

Учрашувлар ва музокаралар чоғида Латвия раҳбарияти билан Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантириш масалалари, долзарб минтақавий ва халқаро муаммолар муҳокама этилади.

Ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, сиёсий, савдо-инвестиция, транспорт-коммуникация соҳалари ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга оид икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН – ЛАТВИЯ:

ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

16 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикасида давлат ташрифи бошлади.

Ўзаро ҳурмат, тенг ҳуқуқлик ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш тамойилларига асосланган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари кўп йиллардан бери Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикасини боғлаб келади.

Латвия Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 22 октябрда тан олган. Қўсқа мuddат ўтгач, яъни 1992 йил 3 ноябрь куни мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди - бу билан узок мuddатли икки томонлама ҳамкорлик ривожланишига замин қўйилди.

Олий даражадаги сиёсий мулоқотлар Ўзбекистон ва Латвия муносабатларида мунтазам тулган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 1995 ва 2004 йиллари Латвияга давлат ташрифлари икки томонлама алоқалар тарихидаги муҳим воқеалар бўлиб қолгани баробарида кўп қиррали Ўзбекистон - Латвия шерклигини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга қўмаклашди. Ўз навбатида, Латвия президентлари Гунтис Улманис ва Валдис Затлерс ҳам 1996 ҳамда 2008 йиллари Ўзбекистонга келган эдилар.

Тури йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликни тартибга соладиган 30 дан зиёд ҳужжат икки томонлама ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий заминини ташкил этади.

Кейинги йиллар давомида парламентларо алоқалар ҳам фаол ривож-

ланмоқда - мунтазам ташриф алмашувлари амалга оширилмоқда, бир-бирининг қонун ижодкорлиги фаолияти соҳасидаги тажрибаларини, олиб борилган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг ҳуқуқий таъминлигини ўрганиш мақсадида парламент делегацияларининг учрашувлари ўтказилмоқда. 2010 йили Латвия Сеймида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳнинг тузилгани Ўзбекистон - Латвия парламентларо алоқаларини янада мустаҳкамлашига қўмаклашди. Ўз навбатида, 2012 йилнинг июнида Ўзбекистон парламентида ҳам Латвия Сейми билан ҳамкорлик бўйича гуруҳ тузилди.

Савдо-иқтисодий соҳада ҳам Ўзбекистон - Латвия ҳамкорлиги тобора ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда Латвия Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик уч савдо шериги қаторидан жой олган. Давлатларимиз ўртасида ўрнатилган мумкин қадар кўп қуйлалик яратиш режими ўзаро товар айирбошлашнинг оғишмай ўсиб боришига қўмаклашмоқдаки, 2012 йили унинг микдори 240 миллион АҚШ долларидан зиёдини ташкил этади. Ўзбекистон Латвияга юқори сифатли пахта толаси, машина-мотор мойлари, дори-дармон маҳсулотлари ва бошқа товарларни экспорт қилади. Асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, пластмасса, шунингдек, логистика хизматлари эса Латвиядан импортнинг асосини ташкил қилади.

(Давоми 2-бетда).

«Пахта – 2013»



ДАЛАДАГИ ЭМАС, ХИРМОНДАГИ ҲИСОБ

Оққўрғон туманидаги "Бурҳон" фермер хўжалиги раҳбари Бурҳон Қурбонов учун давлатга пахта топириш шартномасини биринчилардан бўлиб бажариш аниқлиги эмас.

Яхши ниятлар билан 84,3 гектар ерга экилган пахта фермерни уялтириб қўймади. Биринчи терим тугамаёқ шартнома ортиғи билан бажарилиди.

– Яна 3 гектарда биринчи терим ҳосили турибди, – деди фермер. – Ҳисоблаб кўрсам, жами 315 тонна пахта йиғиштирар эканмиз.

Хўжаликнинг галла бўйича кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. 55 гектардаги "Краснодар" навли галладан режадаги 165 тонна ўрнига 186 тонна топириди. Ҳосилдорлик 65 центнерга етказилди.

Хўжаликнинг 40 аъзоси бор. Шундан саксон фоизи ёшлар. Яқинда 4

нафар коллеж битирувчиси ҳам ишга олинди.

Заминдорнинг ҳали қиладиган ишлари талайгина. Бу йил бугуннинг "Крошка", "Москвич" навларини синаяб кўриш мақсадида 58 гектар ерга уруғ қадади. Буни қарангли, кўзни қувнатиб 30 гектарда ям-яшил майсалар бўй кўрсатиб қолди. Ҳар бир гектар 100 килограммдан фосфорли ва 10 килограммдан калийли ўғит билан озиклантирилди.

Бурҳон Қурбонов онласидан кўнгли тўқ, Меҳр-оқибатли фарзандлари унинг юқини ерда қолдиришмайди. Ўғли Дилшод микробликни дўндираётган бўлса, Бунёд механи-

затор. Ойбек иш юритувчиликни кўлга олгандан бери хўжаликка барака кирди. Келинлари Феруза, Холниса, Гулсанам, Насиба, Дилрабога ҳамма ҳавас қилади. Бўш қолди дегунча қайнотанинг даласига ошиқшади.

"Бурҳон" фермер хўжалиги илғор теримчилари билан ҳам тилга тушган. Пулат Оқжигитов, Усмон Алимов, Муниса Валибоева кўнига 200-250 килограммдан пахта териб, бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Феруза ТўРАЕВА.

СУРАТДА: фермер Бурҳон Қурбонов "Мирза ота" хўжалиги раҳбари Саидқиром Саидхўмедов билан маслаҳатлашмоқда.

Даврон АХМАД олган сурат.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида "Сиёсий партияларнинг сайловлардаги иштироки: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари – Ўзбекистон Халқ демократик партияси мисолида" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

САЙЛОВЛАРДАГИ ИШТИРОК ТАҲЛИЛИ

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутatlари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Давлат бошқаруви академияси ва Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингини институти вакиллари, Халқ демократик партияси фаоллари, ҳудудий сайлов комиссиялари аъзолари, экспертлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Давра суҳбатида ўтган йилларда ўтказилган сайловлар ва уларда ХДПнинг иштироки бўйича мониторинг натижалари

тақдим этилди. Уни қизиқиб билан тинглаган иштирокчилар фойдала фикр ва мулоҳазалар билдиришди.

Тадбир якунида партиянинг сайловлардаги иштироки, хусусан, депутатликка номзод кўрсатиш, тарғибот-ташвиқоти жонлантириш ҳамда сайлов участкаларига қузатувчи ва ваколатли вакиллари бириктиришга оид фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича тақдир ва тасвиялар ишлаб чиқилди.

Хуришда НАЗАРОВА.

Яна тўловлар ҳақида



ЎЧИРИШЛАРИНИ КУТИШ ШАРТМИ?

Аслида, улуг айём кунлари, яъни юртдошларимиз Қўрбон ҳайити байрамини хуш қайғибат билан нишонлаётган пайтда фақат яхшилик, хурсандчилик, эзгуликлар ҳақида гапирши мақсадга мувофиқ. Бироқ...

Биз Чирчиқ шаҳрида бўлиб, газ идораси ходимлари билан бирга табиий газни бебиласка ишлаб, ҳақини тўлашга келганда, пинак бузмаётган хонадонларни бирма-бир айландик. Жумладан, "Истиклол" маҳалласидаги 9-уйнинг 1-хонадониди Солмевлар оиласи яшайди. Уларнинг айтишига қараганда, яқинда кўчиб келишганмиш. Хонадоннинг асл эгаси Абдушохид Одамбоев бўлган. У уйни Мухтор Очилова сотиб кетган. Шундан сўнг, Солмевлар оиласи бу уйга харидор бўлган. Қизиқ шундаки, хонадонда газ ҳисоблагич йўқ. Тармоқдан тўғридан-тўғри улаб қўйилган. Хонадон эгасидан нега бундай деб сўрасак, "Ҳисоблагич йўқлигини билмаган эканман", деб жавоб бериб қўя қолди.

Шу маҳалладаги 8-уй, 16-хонадонда яшовчи Омонбоевлар 220 минг сўмлик табиий газ ёқиб, бир тийин ҳам ҳақ тўлашмаган. 52-уйнинг 85-хонадониди яшовчиларнинг қарзи 324 минг сўмга етган. 48-уй, 40-хонадон эгалари ҳам улардан қолшмай, 370 минг қарзлари бўла тури, пинак бузмай юришибди.

Тўламаётгани учун тармоқдан узиб қўйилди. Маҳаллаларни айланганимиз сари қарздорлар ҳам, қарзларнинг микдори ҳам, олиб борганидан хайратландик. Жумладан, "Наврўз" маҳалласи Гагарин кўчасидаги 20-уй эгаси Холмурод Расулнинг қарзи 1 миллион 200 минг сўмдан ошибди. – Аҳвол шу, бу уйга камида 20 марта келдим, лекин эшик доим қулф, – дейди шаҳар газ филиали назоратчиси Ленура Кўрназарова. – Қарздорлик ботида бундай "миллионер"лар оз эмас. Ушбу назоратчининг сўзлари бошқа маҳаллаларда ҳам энгил бўлади. Қолаверса, газ идоралари ҳам миллионлаб қарзлар қаршида кўплаб молиявий муаммоларга дуч келавермайдилар.

да ҳам ўз тасдиғини топди. Чунотчи, Ҳамза номидаги маҳалланинг Тараққиёт кўчаси 6-уйда яшовчи Зарема Усенованнинг қарзи 1 миллион 523 минг 893 сўмга борибди. Бу ҳаммаси эмас. Энди бу қарз устига 533 минг сўм пеняни ҳам қўшиб тўлаши керак бўлади. Биз бу "миллионер" билан учрашишга қизиқдик. Бироқ, эшикни ҳар қанча тақиллатмайлик ҳеч қим очмади. Аслида ичкарида одам борлиги аниқ сезилиб турган эди.

Аҳмад Дониш кўчаси 6-уйда яшовчи Олег Ариқелъанинг табиий газдан қарзи нима учун 1 миллион 397 минг сўмга етгани, бунинг устига 558 минг сўм пеня эзилгани сабабини билгимиз келди. Бироқ, бу хонадон ҳам эшикни очиниш ўзига эп кўрмади.

Энг ашаддӣ қарздор "Маърифат" маҳалласи Ойбек кўчасидаги 23-уйда яшар экан. Уй соҳибни Дилшод Назировнинг қарзи 2 миллион сўмдан ошиб кетган.

Хуллас, ушбу руйхатни давом эттиравериш мумкин. Лекин, гапни мухтасар қилиб айтмоқчимизки, табиий газ мамлакатимиз аҳолиси учун яратиб берилаётган энг қўлай имкониятлардан бири. Ҳақини тўлаш шартми?

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,
Даврон АХМЕДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

Бош қомусимиз – бахтимиз

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасидан).

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказида меҳнат муҳофазасининг ҳуқуқий асослари, амалий механизмлари ва уни тақомиллаштириш масалалари баҳс-мунозаралар давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда давлат, жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш тузилмалари вакиллари, олимлар, меҳнат муҳофазаси соҳаси мутахассислари ва журналистлар иштирок этиди.

Тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида жамиятимизни модернизациялаш, техник технология тақомиллаштиришга йўналтирилган кенг қўламли ислохотлар ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, муносиб меҳнат шaroити-

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

ни яратишда муҳим омили бўлаётгани таъкидланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий-иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар бир инсон адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. 1993 йил 6 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни жамиятимизда бу борада амалга оширилаётган ишларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда иқтисоди-

ёт тармоқлари, корхона, ташкилот ва муассасаларимизда мазкур қонун талабларини тўла ҳаётга татбиқ этиш, меҳнатни муҳофаза қилишнинг замонавий тамойилларини

тақдим этилди. Уни қизиқиб билан тинглаган иштирокчилар фойдала фикр ва мулоҳазалар билдиришди. Тадбир якунида партиянинг сайловлардаги иштироки, хусусан, депутатликка номзод кўрсатиш, тарғибот-ташвиқоти жонлантириш ҳамда сайлов участкаларига қузатувчи ва ваколатли вакиллари бириктиришга оид фаолиятини янада тақомиллаштириш бўйича тақдир ва тасвиялар ишлаб чиқилди.

Хуришда НАЗАРОВА.

қизиқиб юздан зиёд меҳнатни муҳофаза қилиш қондалари ва меъёрлари яратилди ҳамда амалга татбиқ этилди. Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази ҳам бу йўналишда тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда кўплаб илмий ва амалий лойиҳаларни амалга оширмоқда. Мазкур марказ ҳузурида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилган. Ушбу жамоат тузилмаси соҳадаги таъминлиқ, ҳодимларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини оқсаттириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг тизимидаги муассасалар томонидан бу борадаги шaroитини янада тақомиллаштириш бўйича ишчи ишлар олиб боришмоқда. Мазкур йўналишда замонавий талаблардан келиб

У.А.

Қарор ва ижро

ЭНЕРГЕТИКА РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Юридик шахслар энди ўз ходимларининг электр энергияси учун тўловларини Давлат солиқ қўмитаси томонидан берилган электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси сайтидаги шахсий кабинети орқали киритиши мумкин. Бу вақт ва транспорт харажатини тежаш имконини бериши. Мазкур хизматдан "Электрнинг ҳисобга олиш" – электр энергиясини етказиб бериш ва истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб дастурий комплексининг янги имкониятлари орқали фойдаланиш мумкин.

Энергетика соҳасига замонавий ахборот технологияларининг жорий этилиши электр энергияси ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар учун янги имкониятлар яратди. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз энергетика тармоғини модернизация қилиш ва янада ривожлантиришга хизмат қилади. "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси томонидан ишлаб чиқилаётган ва фойдаланилаётган дастурий комплекслар ҳамда ахборот тизимлари компаниянинг қатор вазифаларини ҳал этиш, илгари қўл ердамида бажариладиган ақсарият операцияларини автоматлаштириш, электр энергияси етказиб беришчилар ва истеъмолчилар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш, муносабатларни қабул қилиш тартибини энгиллаштиришга ердан бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори энергетика соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишда муҳим омили бўлиб хизмат қилаётган. Мазкур ҳужжат давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги ҳокимият органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, давлат ва жамият

қурилиши соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишни таъминлашга қўмаклашмоқда. Давлат муассасалари фаолиятида электрон ҳужжат айланиши улуғини қўлайитириш қарорда белгиланган муҳим йўналишлардан биридир. – Айни пайтда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компаниясида жами ҳужжат айланишининг 20 фоиздан ортиғи электрон шаклда амалга оширилаётган ва бу кўрсаткич муттасил ўсиб бормоқда, – дейди "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси "Электртармок" унитар корхонасининг "Энерго АБТ соҳаси" функционал филиали директори Фарҳоджон Шамшиев. – Икита электрон ҳужжатнинг айланиши тизими фаолияти ва ҳамкорлиги йўлга қўйилди ва улар ўзининг самарадор ва ишончли эканини кўрсатди. Мамлакатимизда "Гермес" юқори технологияли электрон ҳужжат айланиши тизимининг ишлаб чиқилиши натижасида ички ҳужжат айланиши таъминланмоқда. Бу тизим компания корхоналарини ахборот алмашиш ва ҳужжат тарқатиш имконини берадиган ягона ахборот тизимида бирлашган. Бундан ташқари, тармок корхоналари ҳимояланган Е-хат электрон почта тизимига ҳам уланган.

(Давоми 2-бетда).

СУРАТДА: (чапдан) ҳудуд устаси Отабек Туробов, чилангар Асан Қўмонов ва пайванччи Рўзимат Ҳақимов қарздор хонадонларни тармоқдан узмоқдалар.

ЭНЕРГЕТИКА РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Сўнги икки йилда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси қатор инновацион IT-лойдларни амалга оширди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги "Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ва 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган "Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонунга мувофиқ, компания томонидан "Фидо-Бизнес" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган "Электрон хисобга олиш" дастурий комплекси шундай лойиҳалардан биридир. Дастурийнинг жорий этилиши натижасида "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси мижозлари янги хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Хусусан, улар ўз тўловларини онлайн режимида тўлаш, пул келиб тушишини назорат қилиш, таъмирлаш ишларини ўтказиш учун электрон сўров ва аризаларни тўғридан-тўғри компанияга юбориши мумкин.

Бу борада электр энергияси истеъмолчини очиқ-шочка хисобга олишни таъминлашдан ташқари, ундан фойдаланишга доир ишончли ахборот тўплаш жараёни самарадорлигини ошириш ҳам кўзда тутилмоқда. "Электрон хисобга олиш" дастурий комплекси етказиб берилаётган электр энергияси учун ўз вақтида маблағ тўплаш механизмининг самарадорлигини ошириш, тўловни хисоб-китоб қилиш жараёнига инсон омили таъсирини камайтириш, тежор хабар бериш ва тўловни амалга ошириш бўйича кулай услубни тақдим этиш хисобидан истеъмолчиларнинг электр таъминотчиларига бўлган ишончини оширишга ёрдам бераётди. Истеъмолчиларнинг тежорат банклари, "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти тўлов тизимлари, Раунет ва нақд пулсиз "SMS-To'lov" хисоб-китоб тизими орқали турли тўлов вариантларининг автоматлаштирилиши кўрсатилган хизмат учун тўлов тизимини тақдимлашнинг усулларидан биридир. Натижада истеъмолчиларнинг электр энергияси ҳақини бошқа туман ёки шаҳардан туриб ҳам тўлаш имконияти пайдо бўлди.

Дастур online технологиялари орқали истеъмолчиларга шахсий кабинет ва SMS-хабар ёрдамида тежор ахборот тақдим этишни автоматлаштириш, реал вақт режимида энергия таъминоти корхонаси ходимлари ўз вазифасини вақтида бажаришини мониторинг қилиш имконини беради. Хар бир истеъмолчи компаниянинг асосий портали орқали тўловнинг жорий баланс, келиб тушган тўлов, хисоблаш усунасидан олинган кўрсаткичлар,

(Давоми. Боши 1-бетда).

хисоб-китоб жараёни ва тўловнинг жорий ҳолати ҳақидаги ахборот жамланган шахсий кабинетдан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга, истеъмолчи хисоблаш усунасидаги кўрсаткични текшириш, монтер ёки инспекторни чакорири, соҳадаги сўнги янгиликлардан хабардор бўлиш мақсадида ариза бериши мумкин. Фойдаланиш учун тўлов қабул қилиш online тизими фаолияти маълумотларга ишлов бериш маркази томонидан таъминланади. Бу тизим тўловни қабул қилаётган барча тизимлар учун ягона схема асосида ишлайди. Тўловлар ҳақидаги ахборот реал вақт режимида киритилади ва истеъмолчи рекавизитлари текширилади. Бу аса ҳақиқатининг олдини олади.

Дастурий комплекснинг интерфаолиги унинг афзалликларидан биридир. Бу, ўз навбатида, фойдаланишдан электр энергияси учун маблағ йиғишининг аниқлиги тизимига хос муаммоларни бартараф этади. Яъни, мижоз электр энергияси ҳақини тўлагандан сўнг шахсий кабинети орқали тўловнинг келиб тушганини текшириши мумкин. Бир йилдан буён электр энергияси ҳақини тежорат банклари орқали тўлаётган, дейди Мирзо Улуғбек туманидан фуқаро Феруза Раҳимова. "Негаки, бу жуда қулай. Интернет тармоғига уланган мобил телефонидан фойдаланган ҳолда, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси сайтдаги шахсий кабинетимга кириб, ўз хисоб-рақамимни аниқлаш пайтда текширишим мумкин. Дастлаб бундай янгиликка ишончқарамай қараган эдим. Аммо, фойдаланиш кўрганымдан сўнг, унинг ишончли эканига амин бўлдим.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси "Электрон хисобга олиш" дастурига юридик шахслар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўшимча имконият тақдим этиш мақсадида қатор ўзгаришлар киритди. Мамлакатимиздаги барча юридик шахслар Давлат солиқ қўмитаси томонидан берилган шахсий электрон рақамли имзога эга. Компания ёки фирманинг ваколатли вакили ушбу имзо ёрдамида электрон ҳужжатларга имзо қўйиши мумкин ва бу янги хизмат кўрсатиш учун қўшимча имконият яратди. Холбуки, амалдаги қоидаларга кўра, барча юридик шахслар ҳар ойда фойдаланишдан электр энергияси тўғрисида хисобот тақдим этади. Бунинг учун ходимлардан бири барча ҳужжатларни топширганидан сўнг навбат кутиши, хисоб-китобнинг олинган кейингина маблагни кассага тўлаши мумкин бўлади. Табиийки, бу кўп вақт талаб қилади.

Яқин вақтлар ичида "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси барча юридик шахсларга электр

энергияси бўйича хисоботни электрон шаклда тақдим этиш имконини берадиган янги тизимни ишга туширишни режалаштирмоқда. Бундан ташқари, етказиб бериладиган электр энергиясининг шартнома ҳажми лимитини ошириш бўйича янги тизим жорий этилади. Шунингдек, яқинда ишлаб чиқилган "Трансформатор ва техник шартлар" дастурий комплекси мамлакатимиз энергетика тизимидаги трансформаторларни хисобга олиш, истеъмолчи электр қурилмасини улаш учун техник шартларни тузиш, келишиш, унга ишлов бериш ва хисобга олиш жараёнини автоматлаштириш имконини беради. Ўзбекистон ҳудудидagi барча трансформаторлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олган мажмура дастур зарур хисоб-китобни амалга оширишга қодир.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси тармоғига уланиш учун техник шартларни тақдим этишга доир хизмат ҳар бир истеъмолчи "ягона ойна" тамойили бўйича кўрсатилади. "Трансформатор ва техник шартлар" дастурий комплекси бу жараёни ариза келиб тушгандан кейин уч кун ичида амалга оширишга ёрдам беради. Ушбу дастур электрон савдо майдонини вазифасини ҳам ўтади: тизимга етказиб бериладиган электр энергияси ҳажмининг ошириш лозим бўлган лойиҳачилар, қурилиш ташкилотлари ва истеъмолчилар ула-нган. Бунинг учун аса алоҳида лойиҳа ишлаб чиқиш, қурилиш-монтаж ишлари, янги линияларни ташкил этиш ва янги трансформатор ўрнатиш талаб этилади. Ушбу майдонда электр танлов савдолари ўтказилади ва истеъмолчи ўзи учун фойдали тақдирини танлаб олиши мумкин. Бугунги кунда маълумотларнинг тежоратлиги кўлаб операцияларни ўз вақтида ва сифатли бажаришга мумкин омили бўлмоқда. Масалан, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси сайтдаги шахсий кабинетимга кириб, ўз хисоб-рақамимни аниқлаш пайтда текширишим мумкин. Дастлаб бундай янгиликка ишончқарамай қараган эдим. Аммо, фойдаланиш кўрганымдан сўнг, унинг ишончли эканига амин бўлдим.

"Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси "Электрон хисобга олиш" дастурига юридик шахслар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қўшимча имконият тақдим этиш мақсадида қатор ўзгаришлар киритди. Мамлакатимиздаги барча юридик шахслар Давлат солиқ қўмитаси томонидан берилган шахсий электрон рақамли имзога эга. Компания ёки фирманинг ваколатли вакили ушбу имзо ёрдамида электрон ҳужжатларга имзо қўйиши мумкин ва бу янги хизмат кўрсатиш учун қўшимча имконият яратди. Холбуки, амалдаги қоидаларга кўра, барча юридик шахслар ҳар ойда фойдаланишдан электр энергияси тўғрисида хисобот тақдим этади. Бунинг учун ходимлардан бири барча ҳужжатларни топширганидан сўнг навбат кутиши, хисоб-китобнинг олинган кейингина маблагни кассага тўлаши мумкин бўлади. Табиийки, бу кўп вақт талаб қилади.

Яқин вақтлар ичида "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси барча юридик шахсларга электр

Роман БОНДАРЧУК, ЎЗА мухбири.

Нишондорларимиз

Сентябрь ойининг охирилари эди. Холмуҳаммад ишга отланиб, эндигина машинасини ўт олдираётган пайтда қўл телефони жиринглаб қолди:

– Ассалому алайкум, устоз! – бу коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Мансурхон Икромовнинг овози эди. – Табриклайман!
– Ваалайкум асса-лом! Тушунмадим, нима билан табриклайсиз?
– Бугунги газетادا Юртбошимизнинг Фармони эълон қилинбди. Унга кўра, Сиз "Дўстлик" ордени билан мукофотланибсиз.



ЁНИБ ВА ҚУВОНИБ ЯШАШ БАХТИ

Бу сўзларни эшитиб, Холмуҳаммаднинг ҳаяжон босди. Нима дейишини билмай, бироз тин олди-да, ўзини қўлга олиб: "Раҳмат, аввало мухтарам Президентимизга, қолаверса, коллежимиз раҳбариятига раҳмат!" деди ҳаяжон билан.

Холмуҳаммад Мирзакулов камтарона меҳнатга берилган юксак баҳодан бениҳоя хурсанд эди. Турмуш қийинчиликларига

қарамай, азим шаҳарда кундузи ишлаб, кечкурун Политехника институтининг механика факультетининг сабоқ олганлари, устозларидан берган билим ва ўғитилари кўз олдинда ўтди. Беқобод саноат техникуми (ҳозирги техника-иқтисодиёт коллежи)да 20 йил ишлаб, қўлгина шогирдларни тайёрлашга ҳисса қўшганлигидан кўнгли ифтихорга тўлди.

– Бу тажрибали устоз-

нинг ёш жамоамизга қўшилганига эндигина икки йил бўлди, – дейди Бек-обод тумани саноат ва транспорт коллежи директори Қаҳрамон Юнусов. – Чунки коллежимиз тумандаги энг кенжа касб-хунар коллежларидан бири. Холмуҳаммад ака ўзининг тажрибаси, тиришқоқлиги ва ташкилотчилиги билан обрў қозонишга эришти. Айниқсан, битирув-малакавий ишларда, оммавий тадбирлар-

да, ободончилик юмушларида барчага бош-қош, ёшларга эса ўрнак.

Дарҳақиқат, коллежда бўлиб, ўқув-тренажёр устанонаси ва йўл ҳаракати қоидалари хоналарини кўздан кечирганимизда, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашганимизда, директор ҳақ эканига гувоҳ бўлдим. Холмуҳаммад Мирзакулов автомобиль двигателларига техник хизмат кўрсатиш, йўл ҳаракати

қоидалари ва ҳаракат хавфсизлиги фанлари бўйича дарсларни кўргазмали куруллар ва танланма материаллар асосида жонли ўтар экан. Ўзи раҳбарлик қилаётган 32-б гуруҳ ўқувчиларининг дарсларга тўлиқ қатнашиши ва ўзлаштириши учун доимо қўйиб-пишиб юрarkan. Бошқача қилиб айтганда, ўз фаним, ўз гуруҳим, ўз коллежим ва энг асосийи ўз Ватаним деб ёниб яшаётганлардан бири экан.

– Коллежимизда ўқувчиларнинг билим олиб, замонавий касб-хунарларни эгаллашлари учун ҳамма шароитлар бор. Масалан, менинг фанимга ўзимизда чиқадиган автомобилларнинг барча детал ва қисмлари макет ва моделлар шаклида устанонага қўйилган. Уларнинг ишлаш жараёнини намойиш этиш учун тренажёрлар мавжуд. Йўл ҳаракати қоидалари бўйича ҳам етарли кўргазмали куруллар билан таъминланган. Бундай шароитларда янада каттиқроқ ишларда, кўпроқ, юрт равнақига янада кўпроқ ҳисса қўшишг келади.

Жумабозор кишлоғидаги оддий бир коллеж ўқитувчиси меҳнатининг Президентимиз эътирофига сазовор бўлганлиги нафақат мукофот соҳибини, балки бутун беқободликларни қувонтирди.

Каримқул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Обод турмуш йили

Пойтахтимизда 7-12 октябрь кунлари аёллар ўртасида кўкрак бези саратонининг олдини олишга бағишланган саломатлик кунлари ўтказилди. Ушбу тадбир "Ҳаёт учун" кўкрак бези саратони миллий уюшмаси, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Salus vita", "MDS сервис" клиникалари ҳамкорлигида ташкил этилди.

АЁЛ СОҒЛОМ БЎЛСА – ЖАМИЯТ БАРҚАРОР

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тиббий-ижтимоий соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ишловлар, ташхис қўйиш ва даволаш борасида илгор технологияларни ишлаб чиқиш, хасталикнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар самарасида мамлакатимизда онкологик касалликлар билан хасталаниш ҳолатлари тобора камайиб бораётди. "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар қўлами янада кенгайди. Бу борадаги устувор вазифаларни ҳаётга табиқ этишда нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этмоқда. "Ҳаёт учун" кўкрак бези саратони миллий уюшмасининг тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббий мақоламлари билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни бунга мисолдир. Марказ томонидан мунтазам амалга оширилаётган тиббий-ижтимоий лойиҳаларга кейинги беш йил мобайнида йигирма етти минг нафардан кўпроқ аёл камраб олинди ва улар замонавий тиббий технологиялар ёрдамида бепул малакали шифокорлар тиббий кўригидан ўтказилди. Бир ҳафта давом этган нафбатдаги саломатлик кунларида пойтахтимизда истиқомат қилув-

чи аёллар "Salus vita", "MDS сервис" клиникаларида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Касаллик профилактикаси, соғлом турмуш тарзи бўйича тушунтуриш ишлари амалга оширилди.

– Бундан уч йил аввал гинекологик хасталик туфайли операция бўлган эдим, – дейди Олмазор туманининг Қорақамчи даҳасида яшовчи Наргиза Валиева. – Оилавий поликлиникамиз шифокорларини соғлигимни доимий назорат қилиб келмоқда. Ушбу йўналишда чуқурлаштирилган тиббий кўрик ташкил этилганини эшитиб, "Salus vita" клиникасига келдим. Бу ерда энг сўнги русумдаги замонавий аппаратлар ёрдамида бепул учур текширувдан ўтдим. Нақтижаран қувончли чиқди. Мамлакатимизда хотин-қизлар соғлигини асраш борасида яратилган бундай қўлайликлар умримизга умр қўшмоқда.

"Ҳаёт учун" кўкрак бези саратони миллий уюшмасидан маълум қилишларича, лойиҳанинг нобёр ойида бўладиган нафбатдаги босқинчида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшовчи аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш режалаштирилган. **Б. ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.**

Маросим

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтида бакалавр ва магистрларга тантанали диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

БИТИРУВЧИЛАРГА ДИПЛОМ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ф. Ризаев, Банклар уюшмаси бош директори С. Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ўз соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган хорижий етакчи олий ўқув юрларининг қатор филиаллари самарали фаолият кўрсатмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 5 сентябрда қабул қилинган "Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган Сингапур менежментни ривожлантириш институти шулардан биридир.

Бу ерда замонавий иқтисодиёт ва саноат соҳасида мутахассислар тайёрланмоқда. Институт таълим дастури тадбиркорлик, менежмент, бизнес, маркетинг, саноат менежменти, банк иши ва молия, халқаро туризм ҳамда меҳмонхона менежменти каби йўналишлар бўйича ҳар томонлама билим олишга қаратилган.

– Мен "Бизнесда замонавий ахборот технологиялари" йўналиши бўйича бакалавр дипломининг олдим, – дейди Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти битирувчиси Д. Султонов. – Мени ўз мутахассислигим бўйича "Shang Telekom" компаниясига ишга тақлиф этишди. Биз, ёшлар халқаро стандартлар даражасида пухта билим олишимиз учун яратилган кенг имконият ва шароитлар учун давлатимиз раҳбаридан миннатдоримиз.

Бобур ОБИДОВ, ЎЗА мухбири.

Исрофгарчилик

СУВНИНГ УВОЛИ ЙЎҚМИ?



Сувни оби ҳаёт дегимиз. Бу форсий иборани ўзбекчага қандай бўлса, шундайлигича ағдарсак, "ҳаёт суви" маъносини аңглатиши. Мазмун-моҳиятини кенгроқ изоҳлайдиган бўлсак, бу – ер юзида сувсиз ҳаёт йўқлигига ишора. Нафақат истеъмол қилиш, балки кундалик турмушдаги бошқа кўплаб зарур юмушлар ҳам сувсиз битмайди.

Ота-боболаримиз сувга тулурма, сувга супурма, сувга ахлат ташлама дейишларида ҳам ҳикмат кўп. Бироз лофи билан айтиладиган бўлсак, агар сув бўлмаса, одамлар қайта ёввойилашиб кетишлари ҳеч гап эмас.

тимиз бузилди, ичимиз ачиди. Гап шундаки, "Мурувват" маҳалласида дилни хира қилувчи манзаранинг гувоҳи бўлдим. Ер остидан ўтган сув қувурининг ёрилган жойидан анчагина сув сизиб чиқиб, яқин атрофдаги хонадонларга ортиқча ташвиш бўлаяпти.

– "Сувоқава" ташкилотининг Чирчиқ филиалига кетма-кет ҳам ёзма, ҳам оғзак мурожаат қилаёямиз, – дейди маҳалла оқсоқоли Мирзатилла Мирзакаримов. – Аммо, филиалдагилар ҳамон хотиржам. Бир марта ҳам кадам босиб келишмади.

Лекин, "Мурувват"нинг дарди бошқа бир жойдагига қараганда холла экан. Хусусан, "Маърифат" маҳалласидаги Ойбек қўчасида, пайдалар йўлагига қувур ёригидан қайнаб чиқаётган бир арик сув беҳуда оқиб ётибди. Маҳалла болаларига текин томоша.

– Бундай томоша кимга керак?! – дейишди маҳалла вакиллари зарда билан. – Бир ойдан бери ахвол шу. Бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Дарвоқе, беҳуда оқиб ётган сувунча ичимлик сувининг ҳақини ким тўлайди? Гап айланиб, яна "Сувоқава" ташкилотининг Чирчиқ филиалига келиб талқалади. Умуман, у ердагиларнинг Ойбек қўчасидаги бу тахликали манзарадан хабарлари бормикин?

"Тошкент ҳақиқати" газетаси таҳририяти ҳам маҳаллий аҳоли билан бирга бу муаммонинг ечимини кутади.

СҮРАТДА: Ойбек қўчасидаги аҳвол.

Даврон АХМАД олган сурат.

"Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ихтисослаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш бошланди.

БОЛАЖОНЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг саломатлиги ҳақида ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, турли хавфли ва юқумли хасталикларга чалинишининг олдини олиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ота-она меҳридан бебахра қолган болаларнинг саломатлигини доимий назорат этиб бориш, уларда учраши аҳтимоли бўлган хасталикларнинг ўз вақтида олдини олиш, даволаш-профилактика ишларини тобора кучайтириш юзасидан кўплаб ижтимоий акциялар, хайрия тадбирларини муваффақиятли амалга оширмоқда. "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида юрак, умуртқа поғонаси, лаб-танглай қисмида хасталиги бор, кўриш, эшитишда нуқсонли бўлган ўғил-қизларни мураккаб пластик жарроҳлик йўли билан даволашга оид бир қатор лойиҳалар бажарилди. Бундай даволаш жараёнидаги юртимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари камраб олинди. Шу билан бирга Меҳрибонлик уйларида тиб-

бий пунктларини зарур техник усуналар, даволаш хизматлари, дори-дармон ва препаратлар, протез-ортопедия воситалари, ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, турли хавфли ва юқумли хасталикларга чалинишининг олдини олиш масаласига устувор вазифа сифатида эътибор қаратилмоқда. "Sen Yolg'iz Emassan" Республика жамоатчилиги болалар жамғармаси ота-она меҳридан бебахра қолган болаларнинг саломатлигини доимий назорат этиб бориш, уларда учраши аҳтимоли бўлган хасталикларнинг ўз вақтида олдини олиш, даволаш-профилактика ишларини тобора кучайтириш юзасидан кўплаб ижтимоий акциялар, хайрия тадбирларини муваффақиятли амалга оширмоқда. "Обод турмуш йили" Давлат дастури доирасида юрак, умуртқа поғонаси, лаб-танглай қисмида хасталиги бор, кўриш, эшитишда нуқсонли бўлган ўғил-қизларни мураккаб пластик жарроҳлик йўли билан даволашга оид бир қатор лойиҳалар бажарилди. Бундай даволаш жараёнидаги юртимизнинг Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлардаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандлари камраб олинди. Шу билан бирга Меҳрибонлик уйларида тиб-

Н. УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Оқибат

Тахририятга келадиган мактулар ичида Жиззах вилояти Зарбдор туманида яшовчи Рустам Аҳроқулловнинг дил изҳори бизни чуқур ҳаяжонга солди. Ҳақиқатан ҳам вилоятимиз аҳлининг айтса айтувчи инсонийлик фазилатлари бисёр. Воқеа тафсилотлари сизларни ҳам бефарқ қолдирмайди, деган умиддамыз.

МУРУВВАТ НУРИ

... Рустам нафақага чиқканига кўп бўлмай, кўзларидан нур кета бошлади. Оила, бола-чақа ташвишлари, е болажон халқимизнинг фарзандларидан тинчиб, энди неваралари тақдирга ҳам бефарқ қараб туролмаслиги сабабини, ишқилиб фурсатни бой бериб қўйгани кейин билindi.
- Эҳ, қанд касали ҳам мени чарчатиб қўйди, - ўйлади у. - Наҳотки, кўзларим кўрмай қолса...
Меҳнатқаш, жафокаш халқимизда яна бир ҳислат бор. "Узни эмас, кўпроқ ўзгаларни ўйлаш керак" дея тиришиб-тирмашади. Соғлиги ҳақида қайғуришга вақт топмайди. Охири, кўпол қилиб айтганда юрولмай, ҳатто, йиқилиб қолгандагина шифокорларга мурожаат қилади. Рустам ҳам кўзлари умуман кўрмай қолгандагина ўтказиб юрган вақт учур ўқингани рост. Аммо, энди кеч бўлган эди. Икки ой касалхонада ҳеч нарса кўрмай, оғир ўйлар гирдобиди, тушқунлик исқанжасида ётар экан, ёстиги остиди телефон бидран жинглиб қолди.
"Жиззахдан, ўйдан бўлса керак" хаёлидан ўтди унинг. Телефонни кўлга олди. "Қалай, дурустми?" деган саволга нима дейишни ўйлаб, ҳатто ўчириб ҳам қўймоқчи бўлди. Лекин нимагадир, тугмачани бо-

сиб, унга кулоқ тутди:
- Алло, ким бу?
- Ҳа, дўстим, қалай омон-эсонмисан? Бормисан?! Бир кўнгирак қилай демайсан-а. Бизларни унутиб юбордингми?
Рустам ҳаҳондан титраб кетди. Овоз эгаси унинг собиқ курсдоши, Тошкент вилоятининг Чинор қишлоғида яшовчи Умарали эди.
Улар 1970-75-йилларда Тошкент вилояти Давлат педагогика институтида бирга ўқиган. Қорабоғлик Мирхамид Эркабоев, Чинор қишлоғидан Умарали Саидов, Облиқдан Асадулла Раҳматиллаев, кўтераклик Исмоил Эшматов, оҳангаронлик Туробжонлар билан дўстлашиб кетган эди. Орадан 40 йиллар ўтибди. Қанча суварлақиб кетди. Ҳамма ўз оиласи, ташвиши билан овора. Лекин дўстлари унинг оғир кунда қандай учар топиб, телефон рақамини қимдан олишганини...
У қувончданми, аламданми йилгаб юрди.
- Кўй, дўстим, нега йилгайсан, нима бўлди сенга?
- Кўзларим кўрмай қолди, дўстим...
Эш боладек хўнграб-хўнграб йилгаётган Рустам курсдошларининг шу куниёқ Тошкентга етиб келишларини кутмаган эди. Тугишган, қонқариношлар меҳри ўз йўлига, аммо дўст-ёрон-

«Янги авлод – 2013»

САРАЛАШ БОСҚИЧЛАРИ БОШЛАНДИ

"Янги авлод" болалар ижодиёти фестивали ёш истеъодларни рағбатлантириш йўлида 2004 йилдан бундан катта ишларни амалга оширмоқда. Келгуси йил "Янги авлод" фестивали ўзининг ўн йиллигини нишонлайди.
Ўтган йиллар мобайнида фестивалда 2004-2013 йиллар мобайнида танловда 163500 дан ошди болалар иштирок этди. Шулардан классик мусиқа ҳамда миллий мусиқа асбоблари, вокал, ракс, тасвирий санъат, шеърят, адабиёт ва театр сценарийли йўналишлари бўйича 3361 нафар ёш истеъодлар сараланди ва рағбатлантирилди.
Ҳозирда "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг аризалар қабул қилиш жараёни якунланиб, биринчи бошқич саралаш танловлари ўтказилмоқда. Бу бошқичда туман ва шаҳарлардаги энг яхши иштирокчилар саралана олинади. Уларга вилоят бошқичида иштирок этишга йўлланма берилади. 18 октябрдан 13 ноябрга қадар эса республикамизнинг барча ҳудудларида фестивалнинг вилоят бошқичлари ўтказилади. Бу йил фестивалда

жами 35 835 нафар болалар иштирок этиб, ўз қобилиятини синаб кўриш истагини билдиришди.
Туман ва шаҳарларда ўтказиладиган саралаш турларига томошабинлар эркин киришлари мумкин ва бу иштирокчиларнинг яқинлари ҳамда томошабинлар учун фестивалнинг саралаш жараёнини кузатишга имкон беради. Танлов шартларига кўра, барча чиқишлар жами тарзда ижро этилади, фотоматериалдан фойдаланишга йўл қўйилмайди.
Фестивалнинг финал бошқичи ва голибларни тақдирлашга бағишлан-



ган гала-концерт эса ноябрь ойи охирида Тошкент шаҳрида ўтказилади. "Туркистон-пресс".

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ — ПЕШҚАДАМ

Халқаро шахмат федерацияси – ФИДЕ шафелигида ўтказилган III Марказий Осиё кубогида Ўзбекистон вакиллари – Марат Жумаев ва Жаҳонгир Воҳидов пешқадамлик қилмоқда.

Марказий Осиё кубоги 2011 йили Ўзбекистонда бошланган. Минтақада шахматни янада ривожлантириш ва омалаштириш мақсадида ташкил этилган мазкур нуфузли турнирнинг биринчи голиби жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновдир. Ўтган йили Қирғизистонда ўтган иккинчи мусобақада яна бир гроссмейстеримиз Алексей Барсов биринчи ўринни эгаллади.
Хотин-қизлар ўртасидаги беллашуларда икки олтин медал ўзбек қизлари – Нафиса Мўминова ҳамда Нодира Нодиржоновлага насиб этган.
Учинчи мартаба ўтказилаётган нуфузли мусобақага Тожикистон мезбонлик қилмоқда. Унда Ўзбекистон, Тожикистон,

Онишченко ва Алишер Каримов устидан қозонган галабалари эвазига пешқадамлик сафидида бормоқда.
Хотин-қизлар ўртасида етакчилик қилаётган ҳамюртимиз Ирина Геворкян тожикистонлик Файзали Нуралиев билан дуранг ўйнаб, иккинчи партияда қозогистонлик ФИДЕ устаси Екатерина Айнудиновани енгниди.
Иккинчи турнир энг қизиқарли учрашуларидан бирида икки истеъодли шахматчимиз – Нафиса Мўминова ва Темур Игонин ўзаро дуранг ўйнади. Мамлакатимиз кўпқарра чемпиони Сарвиноз Қурбонбоева тожикистонлик Ҳаким Болтаевни қора доналарда мот қилган бўлса, ФИДЕ устаси Хулқар Тоҳиржонов киргизистонлик Айжаркин Чингиз қизини мағлубиятга учратди.



ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси 2014 йили Мьянма мезбонлик қилаётган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатининг финал бошқичига йўлланма олди.
Осиё футбол конфедерацияси (ОФК) томонидан ташкил этилган саралаш турнирида қўтғамизнинг 37 мамлакатли ёшлар терма жамоалари тўққиз гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро рақобатлашди. Қондага кўра, ҳар бир гуруҳ голиблари ва энг яхши кўрсаткич ага бўлган олтин иккинчи ўрин соҳиб қилъа чемпионатида тўп суриш ҳуқуқини кўлга киритди.

Самбо ЁШЛАРИМИЗ ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ СОВРИНДОРИ

Грециянинг Салоники шаҳрида самбо бўйича ўсмирлар, ёшлар ва қизлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида дунёнинг ўттиздан зиёда мамлакатидан беш ўз нафарига яқин ёш спортчи голиблик учун куч синдири.

Бадминтон КУБОК ТОШКЕНТДА ҚОЛДИ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадминтон федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақа юртимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, маҳоратли спортчиларни тайёрлаш ва бадминтонни янада омалаштириш мақсадида ўтказилди.



Пойтахтлик Темур Каримов эрақлар ўртасидаги яқаллик бахслари финалида ўз ҳамшахри Артём Саватогинни мағлубиятга учратди. Т. Каримов жуфтлик бахсларида Артём Саватогин, аралаш жуфтликлар беллашувида Анна Смирнова билан ҳамкорликда яна бир жуфт олтин медални кўлга киритди.
Хотин-қизлар мусобақасида ҳам голиблик пойтахт вакилларига насиб этди. Мария Пакина яқаллик ўртасида барча рақибларини мағлубиятга учратган бўлса, жуфтлик беллашувлари Анна Смирнова ҳамда Яна Катеринич галабаси билан якунланди.
Бахсларда пойтахтлик Рафаэль Зокиров, Сухроб Қосимов, Алишер Холимиров, Элина Мирғалаудинов, Мария Саватогина, бухоролик Файзулла Бахшуллаев, Абдурашул Ҳўжаев, андижонлик Мансур Нахмидинов, Сурайё Аҳмаджонова қадим бадминтон усталари ҳам совриндорлар сафидан жой олди.
Ўзбекистон кубоги якунига кўра, Тошкент шаҳри вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Андижон вилояти спортчилари иккинчи, бухоролик бадминтончилар учинчи ўринга лойиқ топилди.
Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ, ҲАА муҳбири.

ЭЪЛОН

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси бошқича-бошқич оғиб бориш тартибда ўтказилган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!
1. Юқоричириқ тумани СИБ томонидан 03.11.2011 й. ижро ҳужжатида асосан Юқоричириқ тумани, Султоғравод даҳаси, Паркент кўчасида жойлашган Чойхона биноси. Бошланғич баҳоси 84 495 887 сўм. 2. Юнусобод тумани СИБ томонидан 21.01.2013 й. № 425 - сонли ижро ҳужжатида асосан Тошкент шаҳар, Қоронқўл кўчаси, 84-уй. Бошланғич баҳоси 357 973 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 31 октябр кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. 3. Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан № 8900 - сонли ижро ҳужжатида асосан Чирчиқ шаҳар, Ипчиқлар кўчаси, 2-уйда жойлашган автокорхона биноси. Бошланғич баҳоси 114 040 000 сўм. 4. Янгийўл тумани СИБ томонидан 11.10.2012 й. ижро ҳужжатида асосан Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Шўрўлисой қ.ф.й., Наврўз маҳалласи ҳудудида жойлашган иссиқхона бино ишпоатлари. Бошланғич баҳоси 50 106 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 18 ноябр кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўғим вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларини ҳар кунин (дам олдин ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланғичида бир иш кунин қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорини кам бўлмаган зақалат пуллини тўлов ҳужжатида яқин ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчеси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ-нинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улутбек филиалида қўйилган ҳисоб рақамига тўланган шарт: № 2020 8000 2049 3605 0001, МҲО: 01103, СТИР: 207 125 885. Аукцион тўлиб соғиб олган мулк қиймати 5 банк кунин мобайнида тўлалигига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

ЭЪЛОНЛАР

Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Ташкентдан ўтган пўратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
• Бир йиллик сифат қафолати;
• Ушғурже нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



Марҳамат, мурожаат қилинг:

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
• Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
• "Қамолот" ЕИХ бўлимларига;
• Хотин-қизлар қўмиталарига;
• "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, минибанкларига;
• "Қишлоқ қурилиш инвести" филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36
Тел: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.gqb.uz
e-mail: headoffice@gqb.uz

2013 йилда ҚИШЛОҚЛАРДА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИغان ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БЎЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда ишқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй соғиб олиш имконияти;
• Қўлай жойлашуве: дўкон, мактабларга яқин жойда;
• Замонавий дизайнли уйлар;
• Ҳар бир уй-жой 6 тоғис ер майдонига эга;
• Ичкилик суви, элестр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳолда текис ва равоин йўлларга эга;



Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатинингизни қўлайтириш имконияти;
• Иштиёзли фойс ставкасида 15 йил муддатта ипотека кредити;
• Соғилардан овоз қилинган ипотека тўловлари;
• Маоши миқдори йиллар давомида қўлайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
• Соғилдан овоз қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар сарови.



Иштиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблагиниз оилавий режалар ва орзуларини амалга ошириш учун сарфланади;
Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳақида оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратди;

Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сармов ва фарзандлар учун мерос.



Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатинингизни қўлайтириш имконияти;
• Иштиёзли фойс ставкасида 15 йил муддатта ипотека кредити;
• Соғилардан овоз қилинган ипотека тўловлари;
• Маоши миқдори йиллар давомида қўлайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
• Соғилдан овоз қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар сарови.



Иштиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблагиниз оилавий режалар ва орзуларини амалга ошириш учун сарфланади;
Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳақида оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратди;

ЧП "PHARMED SANOAT" (ИНН 206288240), зарегистрированное ИПСР при хокимияте Учтепинского района, расположенного по адресу: г. Ташкент, Учтепинский район, ул. Ибрат, дом-1, объявляет о присоединении к ЧП "PHARMED" (ИНН 200660851), зарегистрированное ИПСР при хокимияте Учтепинского района, расположенного по адресу: г. Ташкент, Учтепинский район, ул. Ибрат, дом-1.

ДП "TOSH SAVDOSI" (ИНН 203346075, ОКОН 16211, ОКПО 17780798), гувохнома № 05-000379 от 25.04.2011г., зарегистрированное ИПСР хокимията Алмазарского района г. Ташкента расположенного по адресу: ул. Корасарой дом-316, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол № 2 от 24.09.2013г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Зангиота туманидаги 37-умумтаълим мактаби томонидан 2005 йилда Игамбердиева Ўғиллой Каримберди қизи номига берилган У № 1583547 рақамли шохадатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерянный диплом К № 2728747 (рег. № 5035), выданный в 2012 году Промышленным профессиональным колледжом на имя Хайрулина Илдара Рашидовича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Advertisement for MATBUOT tarqatuvchi (Матбуот тарқатувчи) with contact information for various branches in Tashkent.

Advertisement for SOLIQ TULOVCHI JISMONIY SHAXSLAR DIKQATIGA (Солиқ тўловчи жисмоний шахслар диққатига) regarding tax services.

Advertisement for "KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI" (KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI) MCHJ regarding real estate services.

Айёмингиз муборак!

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Яқинда вилоятимиз вакилларини муборак Ҳаж сафарига кузата туриб, кўнглимдан шундай бир ўйлар кечди: минг шукри, муқталиб юртимизда фараҳли кунлар, халқимиз яйрайдиған байрамлар кўп. Ҳар қайсининг ўзига хос қиёфаси, файзу таровати, руҳи бор. Жумладан, Қурбон ҳайитини кўпроқ Руҳоният байрами деб атайди-

лар. Чунки, ушбу кунда одамлар руҳиятида ажиб бир янгиланиш, покланиш, юксалиш сезилади. Хайру саховатга, яхшилик, меҳр-оқибат кўрсатишга ҳар қачонгидан кўпроқ мойиллик пайдо бўлади. Совға-салом, хайру эҳсон, тотли каломлар билан кўнгиллар кўтарилади. Оғринган кўнгиллар олинади. Алқисса, ҳеч кимнинг байрамдан бебахар қолишига йўл қўйилмайди.

БАЙРАМ ШУКРОНАСИ

Бугун – Зулҳижжа ойининг 10-санасида бутун мусулмон дунёсида бўлганидек, мамлакатимизда, жумладан, вилоятимизда ҳам Қурбон ҳайити умумхалқ байрами сифатида тантана қилинмоқда.

Эрта тонгда бири-биридан мухташам, анъанавий ва замонавий меъморилик йонуларини ўзда мужассам этган жомеларимизда ҳайит намози адо этилди. Намоздан сўнг, унда иштирок этганлар дуога қўл очиб, до-рилламон замонда, эркимизни кайтарган буюк Истик-лоннинг умри боқий, энг буюк неъмат бўлиши тинч-лик, хотиржамлик бардавом бўлишини, мамлакатимиз равишга йилда сабот билан курашаётган халқимиз, юртимиз раҳбарларига куч-қувват, омадлар тилаб дуои хайрлар килдилар.

Шундан сўнг байрам тадбирлари бошланди. Айни чоғда маҳалла фаоллари, турли жамоат ва диний ташкилотлар вакиллари вилоятимиздаги кекса отахон ва онахонлар, ноғиронлар

хузурида бўлиб, уларни байрам билан қўллаб юришибди. Совға-саломлар, ҳайит-лик-ҳадялар улашмоқдалар. Бундан ташқари, улар ердამга муҳтож оилаларда, "Меҳрибонлик" ва "Саховат" уйларида, мактаб-интернатларда ҳам бўлишиб, байрам тадбирларини ўтказдилар. Маъзур хайрия тадбирлари га қирқ миллион сўмдан ортқ маблаг ажратилган. Бундай тадбирлардан мақсад жумладан байрам кувончидан ҳамма баҳраманд бўлишига, ҳайит шукри ҳар бир хонадонга, ҳар бир юрдошимиз қақбага кириб боришига эришмоқликдир.

Маълумки, бундай эмин-еркинлик – жомеларимиз юрдошларимиз билан тўлиб-тошиб, жума ибодат-лари, ҳайит намозларининг адо этилиши, Рамазон ва Қурбон ҳайитларининг умумхалқ байрамлари сифатида ўтиши, Ҳаж ва Умра зиёратлари кенг йўл очиб берилгани ҳамда улар учун давлат томонидан жуда катта имкониятлар яратиб қўйилгани... булар

барчаси Истиқлол шарофати-дир. Ҳозир вилоятимизда икки юздан ортқ жоме масжиди фаолият юритаб турибди. Ҳамда уларда олий ва ўрта махсус маълумотли имом-хатиблар хизмат қилишмоқда. Вилоятимизда Зағиота ёдроллик мажму-аси каби қўллаб зиёратгоҳ-ларнинг обод қилиниши, ҳар йили тўрт юзга яқин киши Ҳаж, беш юздан ортқ киши Умра зиёратини ўтаб қайтаётгани... булар барча-си муқаддас динимизга ас-рлар оша ўтиб келаётган бобомерос қадриятлари-мизнинг ажралмас қисми деб қаралгани, унинг бугун-ги кунимиздаги, янги жамя-ят кишисини маънан бар-камол қилиб тарбия-лашдаги тулган ўрни ва аҳамиятининг тўғри эъти-роф этилганидан далолат беради.

Қурбон ҳайитининг мубо-рак бўлисин, азиз юрдош-лар!

Қурбонали ТУРСУНОВ, вилоят бош имом-хатиби.

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ЯРМАРКАГА ТАЙЁР

Жорий йилнинг 16-17 октябрь кунлари пойтахтимизда IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди. Шу кунларда ушбу ярмаркани юқори савияда ўтказишга тайёрларлик ишлари низоҳисига етмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган маъзур ярмарка самарасида мамлакатимиз пахта толасига жаҳон бозорига талаб тобора ортқ бораётир. Хусусан, 2005 йилда ўтган дастлабки ярмаркада 30 мамлакатдан 170 га яқин компания вакиллари қатнашган бўлса, ўтган йили 38 давлатдан пахта ва тўқимачилик компанияларининг минг нафардан ортқ вакили иштирок этди. Қолаверса, дастлабки ярмаркаларда асосан пахта толасини сотиш бўйича шартномалар имзоланган бўлса, кейинги йилларда мамлакатимиз тўқимачилик махсус-лотлари ҳам ташқи бозорда ўз ўрнини топиб бормоқда.

Жорий йилда ярмарка иш кўлами, унда иштирок этувчилар сафи янада кенгайтиши кутилмоқда.

"Ўзэксपोмарказ" миллий кўрғазма компаниясидан маълум қилишларича, бу ерда ярмаркани юқори савияда ўтказиш учун барча зарур ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилган. Ишбилармонларнинг ўзаро музокара-лар олиб бориши, шартномалар имзоланиши, вақтинчи мазмунли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Кўрғазма зали марказида турли навли пахта толаси ва ғўза уруғи намуна-ларини намойиш қилиш учун махсус стендлар ўрнатилган.

Пахта ва тўқимачилик тармоғи махсуслотлари алоҳида павильонларда намойиш этилади. Пахта хом ашёси кўрғазмасида намойиш этиладиган тола намуналари "Сифат" Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази сертификатига эга. Марказнинг барча худудий лабораторияларида NVI замонавий тизимидан фойдаланилаётгани пахтаимизнинг юқори сифатини тасвиқламоқда.

Тўқимачилик махсуслотлари павильонидида "Ўзбекистон" давлат акциядорлик компаниясининг бир қатор етакчи корхоналари, хусусий тадбиркорлар ўзларининг экспортга мўлжалланган махсуслотлари билан иштирок этади.

Кўрғазма стендларини жойлаштириш бўйича бадийий лойиҳа ҳам ишлаб қилинган. Мамлакатимиз тўқимачилик саноати салохиятини жаҳонга кенг намойиш этиш мақсадида дизайн-перларимиз томонидан жаҳон модаси тенден-циялари ва миллий анъаналарини хисобга олган ҳолда тайёрланган рең-баранг либос-лар намойишини ўтказиш реңлаштирилган.

Ҳамкорлик шартномаларини тузиш, тақдирот маросимларини ўтказишга мўлжалланган конференция зали халқаро талаб ва стандар-тларга мос жиҳозланди.

IX Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси маъзур соҳалардаги сўнги ютуқлар билан танишиш, ҳамкорлик алоқала-рини кенгайтириш, махсуслотларимизнинг халқаро бозордаги рақобатбардошлигини оши-риш ва мамлакатимиз иқтисодиётини янада ри-вожлантиришга хизмат қилади.

Ноҳира МАНЗУРОВА, ЎЗА муҳбири.

Одамийлик шеvasи

Мусурмон кенг ҳовли саҳнидаги ай-вонда хаёл суриб ётиб, бироз пинакка кетди. Кўп ўтмай, кимдир уни уйғотган-дек, даст туриб ўтирди.

– Ажабо, ҳеч бунақа туш кўрмаган-дим: худди кимдир бўғзимдан олгандек бўлди-я. Яхшиям онам келиб қолди. Она, онажоним!

Сўнги пайтларда Мусурмон туғишган-ларини тез-тез эслайдиган, кўмсайдиган бўлиб қолди. Қизик, ишлаб юрган пайт-лари бунақа кўп туш кўрмасди. Балки, кексалikka бўй бермай, гап-гаштак, ул-фатчилиги маишатдан бўшамай қолгани ўзига ҳам таъсир қила бошладими?! Бўлмаса, ҳеч нарсадан ками йўқ. Уғил-қиздан кўнгли тўқ. Ҳаммаси бола-чақали, ўзидан тинган. Лекин, мана шу мар-мар ҳовузли, биллур фавворали, анвои гуллару дов-дарактларга тўла хонадонда унга нимадир етимайдми. Қирқ йиллик кадрдони, жон дўсти (энди билса, ундан яхшироқ дўсти йўқ экан), умирўлдоси бехосдан оғир хасталикка чалиниб қо-лган, бошвоғини йўқотган буюздек ҳар томонга ўзини ташлаб юрди. Охири бир касофатга йўлиқди-ю, бор бундан, обрў-эътиборидан айрилди. Бир неча ой тўшакка миҳлиб ётган онасининг аҳо-лига кўпроқ қизлар ачинди. Каттаси уйи-га олиб кетди. Мусурмоннинг "ит феъ"-лигидан келинлар ҳам йўламай қўйган, ўғиллар онда-сонда хабар олиб туришар эди. Оналаридан кейин эса жуда кам келишадиган бўлди. Доим ширақайф ота-нинг маза-бемаза сўзлари уларни ўз


Жиноятга жазо муқаррар

ОҒУФУРУШ ҚОЧИБ ҚУТУЛОЛМАДИ

Кузнинг илик кунлари. Вақт пешиндан оғиб қолган. "Ойбек" йўл-патруль хизма-ти маскани хуқуқ-тартибот ходимлари Бекобод шаҳридан келаётган автомаши-нани тўхтатишди. Ходимлар Captiva русум-ли, давлат рақами 10Н055FA бўлган ав-томашина эгасининг ҳужжатларини кўздан кечириш учун яқинлашганларида, у бир-

Жиноят ишлари бўйича ту-ман судининг яқинда бўлиб ўтган очик суд мажлисида ушбу қочоқларнинг жинойи иши кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, юқорида воқеа содир бўлган кун Captiva ав-томашинасини Ҳос қишлоғи-да яшовчи Фаёз Холматов бошқарган. Унинг қочишига ёрдам берган Lasettiда эса укаси Фазлидин Холматов бўлган.

Қочишга улгурган Фаёз Холматов автомашинасини "Ўзбекистон" фермерлар уюмчаси томон бошқариб бориб, шу худуддан оқиб ўтувчи "Хос-ёз" каналига юк-хонада бўлган оқ рангли по-лиэтилен қопдаги гиёҳванд-лик моддасини ташлаб юбор-ди. Бироқ, қочоқ ҳайдовчи узокқа кетолмади. Шу кун соат 17:30ларда миллий хавфсизлик ва ички ишлар бўлими ходимлари ҳамкорли-гида қўлга олинди. Тегишли идорага олиб келинган ав-томашина ҳолислар иштироки-да махсус ўргатилган ит ёрда-



уйдан бездириб қўйган эди. Боз усти-га, "уйланаман" деб бир макорани уйга олиб келгани, ҳовлини унинг номига ўтказиб бермаган, хотинидан қолган бар-ча қимматбаҳо буюм, тақинчоқларни олиб жўнаб қолгани ўзига ҳам алам қилиб, бат-тар ичкиликка берилди. Энди на хотин, на ошна-оғайнини бор, кенг ҳовлидаги жимжитлик уни еб борарди.

– Отамнинг бошига боришим керак, – ўйлади у. – Укаларимдан хабар олмага-нини ҳам беш йил бўлибди. Сингилла-риним ҳам онамникига чақирман...

Лекин, ота уйининг янги қиёфаси, янги одамлар, келин-куёвларнинг бирортаси-ни танмай, мулзам бўлди. Бефарқ, ло-қайд нигоҳлардан ўнғайсизланди.

– Отам қазо қилганларига 2 йил

бўлди, – деди жияни кўзига ёш олиб. – Сизга хабар берган эдик, келмадингиз... Жигарлари куриб, тоза қийналдилар. Йўлингизни ҳўп пойладилар: "Акам келади" деб.

Мусурмоннинг вужуди тош қотди. На-хотки...

– Онаминг сўнги бор: "Акаларинг сенга сўянч бўлади, улардан узоклаш-ма" деганлари хали-ҳамон кўлгимда жаранглайди, – деди ҳасрат-надомат билан сингил. – Аммо, сиз бирор марта келиб хабар олмадингиз. Йўқ, еяр-ичар-дан камимиз йўқ. Нолисам гуноҳ бўлар. Катта жиянингиз тадбиркор – гектар-гек-тар ери бор. Кичиги шифокор. Лекин сиз уларни танимайсиз ҳам. Бир кун иш саҳарда тоған бор, бир хабар олиб келайлик, десам, отасининг уйига кел-майдиган, сингилсини йўқламайдиган ўғил, ака бизга тоға бўлиб нима қаромат кўрсатарди, дейишди...

Мусурмон фарзандларининг беоқибат-лигини айтиб, жигарларига бир тўқил-моқчи эди, бунинг акси бўлиб чиқди. Улар олдиди ўзини шу қадар ношуд, нотаован ҳис этди-ки, беихтиёр: "эх, ат-танг" деб юборди. Бу нидо жигарлари-нинг "бемерх" лигидани, ё узининг бе-оқибатлигидани, ишқилиб қоришқ туй-гулар вужудини кемирб борар, энди қаерга бош олиб кетишини, ким билан дардлаштишини билмас, надомат исканжа-сидан қутулолмасди...


Сайёра РИХСИЕВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Bolalik bog`i

YANGI JILG`A

Madinabonu SAIDOVA – Angren shahar 33-umumiy o`rta ta`lim maktabining 8-"B" sinf o`quvchisi. "Ilk qadam" to`g`ragining faol a`zosi. Madinabonung bolalarda beg`ubor olami uning mazmunli, betakror she`rlariga jo`b`lgan. Har bir mashqida ba`zan hatto kattalar ham ilg`amagan

bir yangilik, faylasufona fikr bor. Qator davriy nashrlarda chop etila-yotgan she`rlari "Dovon jil-g`alari"ning yangi sa-dosiga o`xshaydi. Shoir Bobur Bobomurod ta`kidlaganidek: "O`ziga xos, betakror" she`rlar muallifiga ijodiy kamolot yor bo`lsin!



ISTIQLOL

Sensan ona makonim, Chaman, bog`u bo`stonim. Ipak yo`lda karvonim – Aziz O`zbekistonim.

Sen sevimli suyuksan, Birdamsanki, buyuksan. Ulug` tog`dan ulug`san, Mo`tabar, tabarruksan.

Musaffodir osmoning, Sarhadlarda posboning. Parvoz qilarg laylaklar, Osuda har oshyoning.

Sensan ota makonim, Sensan ota makonim. Jonimdan ham azizim – O`zbekistonim – jonim!

ANJIR SO`ZI

Gullamasdan ikki bor Gullas bersam ham, Qaddi-bo`yim chinormas, Shoxlarim ko`rkam.

CHOYNAK HASRATI

Jonga tegdi egilish, Qora choyu ko`k choylar. Bu dunyoda bormikan Piyolasi yo`q joylar.

YANGI MAQOL

Qanoti yo`q qush bo`lmas, Ta`biri yo`q tush bo`lmas. Bir sochi yo`q bosh bo`lar-u, Jimjimloqsiz musht bo`lmas.

O`ZBEKCha

O`zbek, tojik, rus, qozoq, Hammamizdir – bir o`rtog. Vatanimiz bag`rida So`zlashamiz, o`zbekcha!

Birgalashib bir tilda Ilmu saboq olamiz, Madhiyamiz o`stirlar! Kuylashamiz, o`zbekcha!

AJABO

Ajab hazil, g`aroyib, Ajoyib bir kinoya. Odamlar odamini Ittar qilar himoya.

GUL

Atirgulga, rayhonga Rahmin kelar, Odamlarga gohida Qahrim kelar. Ko`r maydimi ko`zlari, Ko`ngli to`lmasmi? Shu gullarni uzmasdan Hildab bo`lmasmi?

VULQON

O`tdir, olodvir Uning asosi, Vulqon – tog`larning Sabr kosasi.



АВТОБУС ЖАРГА ҚУЛАДИ

Салватор гарбидаги Санта-Ана департа-ментиди яз берган йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида камида 5 киши ҳалок бўлди, ўнлаб йўловчилар жароҳат олинди.



Катта трассада келаётган автобус ҳайдовчиси номаълум сабабларга қўра, бошқаруви қўлдан чиқар-

ди. Натижада машина чў-кур жарликка қулади. Автобус салонида 50 га яқин футбол ишқибозлари келиш-шаётганди. Улар Сонсоне-те шаҳрида ўтказилган на-вбатдаги футбол учрашувини томоша қилиб, қайта йўлга тушган эдилар. Ав-тоҳалокат натижасида ши-каст топганлар яқин ўрта-даги шифохонага келти-рилди. Юз берган ҳолат сабаблари ўрганилмоқда.

МИЛЛИОН КИШИ КҮЧИРИЛДИ

Ҳиндистонда "Файлин" дея номланган до-вул яқинлашиб келаётгани сабабли ҳавфсиз жойларга кўчирилган аҳоли миллион кишидан ошди.



Орисса штатида 860 минг киши ўз уйлари-ни ташлаб чиқиди. Андра-Прадеш штатидан 100 мингдан зиёд кишини кўчиришга тўғри келди. Бу мамлакат тарихидаги энг йирик эвакуация та-дбири бўлди. Биринчи марта 1990 йилда қўллаб одамларни эвакуация

қилишга тўғри келганди. Ушунга ҳам кучли довул шунда мажбур қилганди. Бироқ, эвакуация қилин-ганлар уч баравар кам эди. Ҳозирча, 5 кишининг довул қурбони бўлганиги аниқланди. Улардан 4 на-фарини кулаган даракт босиб қолди. Бир аёл эса ўз уйи вайронларни ости-да ҳалок бўлди. Шарқий Ҳиндистон ин-фратузилмаларига етказил-ган зарар ҳозирча ҳисоб-лаб чиқилгани йўқ. Ҳуку-мат довул келтириб чиқар-ган пўртаналар туғанидан сўнг шу ишга киришмоқ-чи.

ПОРАХҲР АМАЛДОР ҚҮЛГА ТУШДИ

Венесуэланинг Валенсия шаҳри ҳокими Эд-гардо Парра коррупцияда гумон қилиниб, ўз уйида қўлга олинди.



Терговнинг аниқлашига қараганда, шаҳар ҳоким-лиги билан бир неча ком-пания ҳамда кооператив-лар ўртасида ноқонуний алоқа мавжуд бўлган. Бироқ, ўша компания ва кооперативларнинг нома-ли келтирилмапти.

Венесуэлада корруп-цияга қарши бошланган кураш давомида бундай даражадаги амалдорнинг биринчи марта ҳибсга оли-ниши. Мамлакатдаги энг йирик шаҳарлардан бири

ИНСОНПАРВАРЛАРНИ ҲИҚИТЛАБ КЕТИШДИ

Сурияда халқаро Қизил Ҳоч ташкилотининг 6 нафар аъзоси ҳамда Сурия Қизил Ярим ой жа-миятининг бир хизматчисини ўғирлаб кетишди.



Инсонпарварлик таш-килотларининг ушбу хо-димларини Идлиб вилоя-тида қуролланган киши-лар қўлга олишди. Ходим-лар шу ердаги шифохона-га дори-дармонлар келти-риб, шу билан бирга ма-ҳаллий тиббиёт муассаса-ларидаги аҳолни ўрга-ниди. Дамашққа қайтаётган эдилар. Ҳозирча ушбу воқеани ҳеч бир гуруҳ ўз

зиммасига олгани йўқ. Суриянинг шимолий-гар-бидидаги Идлиб вилоятининг асосий қисми кўзгалончи-ларнинг турли гуруҳлари назорати остида турибди. Умуман, инсонпарварлик ташкилотлари ҳамда матбу-от вакиллари ўғирлаб Сурияда одат тусини ол-ган. Жумладан, октябрь ойида франциялик икки журналист, сентябрь ойи-да эса Испания газетла-ридан Бирининг муҳбири Марк Мархмедасини ўғир-лаб кетишгани маълум бўлганди. Ўғирлар гаровга олинганлар учун уларнинг қариндошларидан, шунингдек, ишлаётган ташки-лотларидан пул талаб қил-моқдалар.

УР-ЙИҚИТ ҚҮРБОНЛАРИ ЮЗДАН ОШДИ

Ҳиндистоннинг Мадхья-Прадеш штатидаги ибодатхоналардан бириси содир бўлган ур-йиқит қурбонлари 115 кишидан ошди. Улар-нинг 30 нафари болалардир.



Тўс-тўполон пайтида юздан зиёд киши шикаст-ланди. Ур-йиқит Ратан Гарх Мата ибодатхонаси яқинидаги Синдх дарёси кўприги устида юз берди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, одамлар қўчи-лик бўлиб ўтаётган пайтда кўпrik синиб кетиши мум-кинлиги ҳақидаги шов-шув ур-йиқитга сабаб бўлган. Бунинг устига полициячи-лар тартиб ўрнатмаган деб, таъқларни ишга солишган. Натижада назорат янада таҳ-ликага тус олиб, сароси-малик кучайиб кетган. Мамлакат ҳукумати ушбу ҳолат сабабини ўрганишга киришди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Table with 3 columns: Contact information (Address, Phone, Email), Publisher info (Boş muharrir, Uбайдулла Абдушоҳидов), and Distribution info (Location, Circulation, ISSN).

Белгилли материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.10.